



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 8 декабрь, № 257 (9152)

Душанба

Сайтимицага ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Қадри ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изхор этаман.

Ушбу кутлуг айёмда барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, бирлик ва ҳамжихатлик, орта қайтмас демократик ислохотларимиз кафолати бўлган Асосий Қонунимизнинг ҳаётиямиздаги ўрни ва аҳамиятини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ҳамда юксак хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоида ва тамойиллар Янги Ўзбекистонни барпо этишда барчамиз учун беқиёс куч-ғайрат, ишонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, янада кенг ваколат ва масъулиятга эга бўлган миллий парламентимиз ҳамда илк марта маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидан сайланган раислар бошчилиги қилаётган вилоят Кенгашлари, жамият бошқарувида ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётган маҳалла институти

фаолияти мисолида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани ҳақидаги конституциявий қайднинг амалий тасдиғини кўрамиз.

Айниқса, янги парламентимиз томонидан жорий йилда судлар фаолияти ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга оид қонунлар ҳамда улар ўз самарасини бераётганини муҳитини мустаҳкамлаш, инклюзив жамият, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, кам таъминланган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш бўйича

кўплаб муҳим қарорлар қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Маҳаллий Кенгашлар ҳам ўз ҳудудларидаги долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Улар томонидан ўтган даврда 25 мингдан зиёд масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилингани, мансабдор шахсларга 14 мингга яқин депутатлик сўровлари юборилгани ҳам шундан далолат беради.

Вакиллик органларини чинакам халқ минбари, халқ овозига айлантиришга қаратилган ислохотларимизнинг давоми сифатида 2026 йилнинг 1 январидан туман ва шаҳарларда ҳам ҳоким ва Кенгаш раислари вазифаларини алоҳида ажратиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Бир сўз билан айтганда, халқ ҳокимиятчилиги, вакиллик демократияси, Конституция ва қонун устуворлиги каби конституциявий принципларга бундан буён ҳам содиқ қолиб, ушбу йўналишдаги ислохотларимизни янада қатъий давом эттирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. **“Конституция — инсон қадрини, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!”** деган эзгу ғоя асосида ўтказилаётган бу йилги байрам тадбирлари орқали шу йўлда эришган ютуқларимиз чуқур таҳлил қилиниб, янги ва долзарб вазифалар белгилаб олинмоқда.

Кейинги вақтда барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритаётган натижаларимизга шу нуқтаи назардан баҳо бера эканмиз, уларнинг замирида, энг аввало, инсонпарварлик ва халқпарварлик тамойиллари мужассам эканини ва улар ўз самарасини бераётганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилда аҳоли жон бошига даромад 3 минг 500 долларни ташкил этгани, мактабгача таълимда қамров 78 фоиз, олий таълимда эса 42 фоизга етгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайгани ва бошқа рақамларни келтириш мумкин.

Конституциямизга асосан давлат зиммасига юклатилган ижтимоий мажбуриятларни бажариш ҳамда юртимизда ижтимоий давлат барпо этиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1 миллион нафардан зиёд фуқаро камбағалликдан чиқарилди, камбағаллик даражаси 6,6 фоизга туширилди.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш,

халқимиз учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, мустаҳкам ҳуқуқий тизим ва очиқ жамият барпо этиш йўлидаги кенг кўламли ислохотларимиз дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Масалан, 2025 йилда Барқарор ривожланиш мақсадлари индексида Ўзбекистон 19 поғона юқори кўтарилиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида энг жадал ривожланаётган мамлакат сифатида қайд этилди. Глобал инновация индексида юртимиз Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бўйича кучли учликдан жой олди. “S&P”, “Fitch” ва “Moody’s” каби нуфузли халқаро агентликлар томонидан Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинги оширилди.

Нуфузли халқаро анжуман — ЮНЕСКО Бош конференцияси сўнгги 40 йил давомида биринчи марта Париждан ташқарида, яъни Самарқандда муваффақиятли ўтказилгани ҳам жaxon ҳамжамияти томонидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилмоқда.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Ислохотларимиз ҳал қилувчи босқичга киритган бугунги кунда биз Конституциямизнинг ҳар бир нормасини давлат ва жамият ҳаётида амалий фаолият мезонига айлантиришимиз зарур. Айниқса, ёшларимизга Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўргатиш, уларни конституциявий қадриятлар асосида юксак онгли ва ватанпарвар фуқаролар, сиёсий тафаккур ва ҳуқуқий маданият эгалари этиб тарбиялаш олдимизда турган гоят муҳим вазифадир.

Фақат Конституция ва қонунларимизга чуқур ҳурмат, пухта ҳуқуқий билим ва амалий тажриба асосидагина биз давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиб, Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчимизни шараф билан адо эти оламиз. Шундагина Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кучи, бунёдкорлик салоҳияти амалда янада ёрқин намоён бўлади.

Барчамиз учун миллий мустақиллигимиз, гуруру ва ифтихоримиз тисмоли бўлган Конституциямизни шарафландадиган ушбу қувончли айём муносабати билан сизларни яна бир бор чин дилдан табриқлайман.

Сиз, азиз юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-тотувлик ва фаровонлик тилайман.

Конституциямиз ва барча ютуқларимизнинг ижодкори бўлган мард ва олийжаноб халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 33 йиллиги муносабати билан давлатлиги томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида **“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни** имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **615** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **220** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **123** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **97** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **175** нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **9** нафарини чет эл фуқаролари, **29** нафарини аёл, **23** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **264** нафарини ёшлар (шулардан, **2** нафари вояга етмаганлар) ҳамда **9** нафарини тақиқланган ташиқлотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

Бугун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР ИФОДАСИ

Ҳар бир мустақил давлат ҳаётида Конституция энг олий ҳуқуқий ҳужжат сифатида алоҳида ўрин тутати. У мамлакат тараққийотининг ҳуқуқий асосини белгилабгина қолмай, халқнинг орзу-интилишлари, қадриятлари ва келажакка бўлган ишончини ўзида муҳассам этади.

Конституция фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки халқни бирлаштирадиган, фуқароларда Ватан тақдири учун масъулият туйғусини уйғотадиган маънавий қадрият ҳамдир. У ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда, қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришда муҳим ўрин тутати.

1992 йил 8 декабрь кунин қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил давлат барпо этиш йўлида қўйилган қатъий қадамлардан бири бўлиб, миллий ҳуқуқий тизимнинг мустаҳкам пойдевори бўлди. У демократик тамойилларга асосланган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устувор деб эътироф этилган, қонун устуворлиги таъминланган давлат барпо этишга хизмат қилди.

Айниқса, 2023 йил 30 апрелда референдум орқали қабул қилинган янги таҳ-

рирдаги Конституция халқнинг давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ этишга бўлган қатъий ишончини, фаол фуқаролик позициясини яққол намоён этди. Бу референдум фақат ҳуқуқий ҳужжатни янгилаш эмас, балки “Инсон қадрини учун” деган ғояни давлат сиёсати даражасига кўтарган, халқ ва давлат ўртасидаги очиқ мулоқот самараси бўлди.

Янги таҳрирдаги Бош қомусимизда жамият тараққийоти ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга қаратилган принципал янгилик сифатида “ижтимоий давлат” тушунчаси мустаҳкамланди. Бу тушунча нафақат давлатнинг моҳиятини белгилайди, балки унинг барча фаолияти, устувор йўналишлари ва аҳолига нисбатан масъулиятини илгари сурувчи қонунчилик асосини шакллантиради.



МАДАНИЯТ РИВОЖИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизнинг Конституцияси маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, уни асраб-авайлаш ва модернизация қилишнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш, шунингдек, ижод эркинлиги ва маданий қадриятлардан фойдаланишни кафолатлашда муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Хусусан, Бош қомусимизнинг 53-моддасида бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган.

Бинобарин, ижод олами — юксак маънавий воқеликни акс эттирувчи бадиий образларни турли жанр ва ифодавий услубда яратишга қаратилган инсоннинг ақлий фаолияти. У адабиёт, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, тасвирий ва амалий санъат, мусиқа, рақс, театр, кино ва инсон фаолиятининг бошқа турларини ўз ичига қамраб, дунёни англашнинг ҳаққоний ва мажозий шаклларини кашф этади.

Конституциямизда белгиланган нормага биноан бугунги кунда юртимизда бадиий ижоднинг тараққийоти этиши учун барча шароитлар яратилмоқда. “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсади жам-

фармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарори бу йўлда ислохотларнинг жадаллашувини белгилаб берди. Унга кўра маънавий-маърифий ва маданий соҳадаги лойиҳаларни молиялаштириш, ижодкорларга ижодий фаолиятни амалга ошириш учун моддий ёрдам кўрсатиш, Ўзбекистоннинг бой маънавий-маданий мероси тарғиботида қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, жамгарма маблағларни ёрдамда миллий санъат ва маданиятни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори юртимизда ижодий уюшмаларнинг фаолиятини янада кенгайтириш борасида муҳим ҳужжат бўлди.



ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ УСТУВОР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимиз мустақиллиги, демократия ва қонун устуворлигининг асосий кафолати ҳисобланади. Бош қомусимизда инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, диний эркинлик ҳамда бошқа ҳуқуқлар олий қадрият сифатида белгиланган.

Шу маънода, Конституциямиз жамиятнинг барқарор ривожланиши, адолат ва ижтимоий тенгликни таъминлаш, инсон қадр-қимматини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлиги ҳуқуқи

кафолатларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан изчил ислохотлар амалга оширилмоқда, қатор муҳим ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан

жаҳон цивилизациясига беқиёс хисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Конституция — давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий пойдевори, барча давлат органлари каби

мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот марказлари фаолияти учун ҳам асосий меъёрий манба ҳисобланади. Уларнинг мақсад ва вазифалари мамлакатда амал қилаётган конституциявий тамойиллар — маънавий барқарорлик, диний бағрикенглик, жамиятда виждон эркинлигини таъминлаш, илм-фан тараққийотини рағбатлантириш билан узвий боғлиқ.

Хусусан, Конституциянинг тегишли моддалари билан юрти-



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР ИФОДАСИ



Халқаро ҳуқуқда ижтимоий давлат — фуқароларнинг муносиб ҳаётини таъминлаш, кучсиз қатламларни ҳимоя қилиш, тенг имкониятлар яратишга қаратилган давлат модели сифатида талқин қилинади. Ўзбекистон

Конституциясига ушбу тушунчанинг киритилиши мамлакатда ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг энг муҳим қадрият сифатида қонун даражасида мустаҳкамланганини аниқлатади. Конституцияда инсон ҳуқуқларининг “бевосита амал қилиши”, “туғилганидан бошлаб инсон ҳақоратлари” ҳамда “аввал инсон манфаатлари” тамойилнинг жорий этилиши ижтимоий давлат ҳолатининг асосий кўринишидир. Мазкур принциплар давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳар бир қарор қабул қилишда инсон қадрини устувор деб билишни талаб қилади. Асосийси, ижтимоий давлат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳаётда амалга ошириш бўйича ҳуқуқий механизмларни кенгайтириди. Ижтимоий давлат моделига кўра, сифатли таълим ва тиб-

бий хизмат ҳар бир инсон учун асосий ҳуқуқлардан ҳисобланади. Конституцияда таълим олиш ҳуқуқининг кафолатланиши, унинг сифатини таъминлаш бўйича давлат мажбуриятларининг белгилаб қўйилиши ҳамда аҳолининг барча қатламлари учун тиббий хизматдан тенг фойдаланиш имконияти ижтимоий давлат ҳолатининг тўла амалий ифодасидир. Шу асосда мамлакатда таълим тизимини яхшилаш, тиббий хизматларни рақамлаштириш ва сифатли тиббий оммабоп қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кейинги саккиз йилда юртимизда таълим ва илм-фан учун харажатлар 6 қарра оширилди, юзлаб янги боғчалар, мактаб, техникум ҳамда олийгоҳлар қурилди, таълим ва илм даргоҳларини замон талаблари асосида жи-

ҳозлаш, устоз-мураббийларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган янги дастурлар қабул қилинди. Бош қомуснинг янги тахририда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш нормалари янада кенгайтирилди. Инсон шайни ҳамда кадр-қимматини ҳимоя қилиш, шахсий дахлсизлигини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсатида устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Қолаверса, жамиятда очиклик, ҳисобдорлик ва ташаббускорликни ривожлантириш учун муносиб шароит яратилмоқда. Умуман, янги тахрирдаги Конституция мамлакатимизда тараққиётнинг янги босқичини белгилаб берди. Унда иқтисодий ислохотларни, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини кўллаб-қувватлайдиган, барқа-

дор ривожланиши таъминлаш учун ҳуқуқий кафолат берадиган нормалар салмоғи оширилди. У Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида давлат ва жамият тараққиёти учун мустаҳкам асос бўлиб, инсон қадрини олий мезон сифатида белгилаган тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Конституция миз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, адолат, қонун устуворлиги ва фаровонликка элтувчи ишончли дастуриламал бўлиб қолади. Унда белгиланган тамойилларга содиқ бўлиб яшаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш эса ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Одильжон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

МАДАНИЯТ РИВОЖИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Унда бадий ижод ва китобхонлик маданиятини фаол кўллаб-қувватлаш, маданият, санъат ва журналистикани ривожлантириш учун маблағ ажратиш ва йўналтириш, шунингдек, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар уюшмасини моддий таъминлаш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш сингари муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Шунингдек, Президентимизнинг “Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида миллий кино санъатини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни тизимли давом эттириш, соҳани давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, юртимизда жаҳон тажрибаси асосида кино ишлаб чиқаришнинг самарали механизмларини жорий қилиш, замонавий кино-саноат инфратузилмасини яратиш ва кинопрокат тизимини ривожлантириш мақсадида кўплаб вазифалар белгилаб берилган. “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркуминини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори билан эса “Тирик тарих” фильмлар туркуминини яратиш дастури тасдиқланди. Унга кўра 21 та бадий ва 33 та бадий-публицистик фильмларни суратга олиш режалаштирилиб, дастур ижросини мувофиқлаштириш ва назорат қилиб бориш учун миллий комиссия ва миллий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда кинематография санъатини тараққий эттириш йўлида амалга оширилган ислохотлар жаҳон миқёсида ўзининг ижобий натижасини беришга улгурди. Ўзбекистон киноижодкорлари томонидан яратилган фильмлар жаҳоннинг нуфузли анжуманларида муваффақият билан намойиш этилиб, юксак совиранларни ҳам кўлга киритмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида давлат жамиятининг маданий ривожланиши ҳақида гамхўрлик қилиши билан

боғлиқ масала мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса давлат томонидан маданиятни асраб-авайлаш, кўллаб-қувватлаш, барча фуқароларга маданий қадриятлардан фойдаланиш ва ўзини намоён қилишда тенг имкониятларни таъминлаш чораларини кўриш таъминидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз маданий меросини муҳофазат қилиш, асраб-авайлаш билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ишга тушди. Унга кўра Ўзбекистон БМТнинг ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан ҳамкорликка киришиб, Бутунжаҳон мероси рўйхатига 7 та объект, Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига ўзбек халқи номоддий маданий меросининг 15 та элементи, “Жаҳон хотираси” реестрига 5 та ноёб дурдона, Бутунжаҳон биосфера қўриқхоналари тармоғига Ўзбекистоннинг 2 та объектини киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида Ўзбекистоннинг қадим тарихи билан боғлиқ 22 та юбилей саналари кенг нишонланди.

Юртимизда маданият ва санъат йўналишидаги таълимни ривожлантириш борасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий эстрада санъати институти таъсис этилди. Олий таълим муассасалари Ўзбекистон маданий меросига оид бўлган мактаб, бахшичилик ва эстрада санъатини ривожлантириш ҳамда бу соҳада етак кадрларни тарбиялашни ўзига мақсад қилди.

Ўзбекистон бугун ўзининг маданий мерос ва тасвирий санъат соҳасидаги ноёб дурдоналарини бутун дунёга намойиш этмоқда. Ўзбекистон маданияти ва санъатини ривожлантириш жамғармаси томонидан Риштон, Гиждувон, Ургут қўлолчилик мактабларининг юксак намунадаги асарларининг кўргазмалари Европанинг кўзга кўринган музейларига намойиш этилиб, улкан муваффақият қозонди. Шунингдек, давлатимиз тарихига оид бўлган ноёб маданий мерос дурдоналари Франция, Италия, Хитой, АҚШ, Қатар каби йирик мамлакатларда дунё жамоатчилигининг эътиборига сазовор бўлди.

Конституция — нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки мамлакат маданий хилмахиллигини барпо этувчи пойдевор. Ижод эркинлигини мустаҳкамлаш, санъатни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш орқали фуқароларга ўзи салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар оқди, ноёб маданий меросини асраб-авайлашга кўмаклашди, маданият тушунчаси олий қадриятлардан бирига айланган фуқаролик жамиятини тарбиялайди. Бу конституциявий кафолатларни амалга ошириш мамлакатимиз тараққиёти, ўзликни сақлаш, миллий онгни санъат орқали бойитиш имконини берадиган умумий вазиламиздир.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Ташаббус

ЯНГИЕРДА — КОНСТИТУЦИЯ ХИЁБОНИ

Янгиер шаҳридаги Конституция хийбони бугунги кунда муҳим маънавий-маърифий масканга айланган. Ушбу масканда Конституция кўчасининг ташкил этилиши эса Асосий Қонунимизни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўлидаги ибратли ташаббус бўлди.

Мазкур кўчадаги “Конституция тарихи” бурчаги Бош қомусимизнинг яратилиш жараёни, йиллар давомида такомиллашуви ва унда акс этган асосий тамойилларни ёритиб беришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, бу ерда Конституцияни ўқитишга оид ўқув кўланмалари ва махсус адабиётлар кўргазмаси ҳам ташкил этилаётир.

— Конституция кўчасида конституциявий ҳуқуқлар бўйича адлия ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятига бағишланган ахборот бурчаклари ҳам мавжуд, — дейди Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Дилноз Умрзоқова. — Шу билан бирга, ушбу ҳуқуқий-маърифий масканда вилоят адлия бошқармаси, Янгиер шаҳар ҳокимлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ёшлар иштирокида ҳуқуқий викториналар ва бошқа шу каби тадбирлар ўтказилмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун арафасида “Гушанобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 6-оилавий поликлиника замонавий биносининг фойдаланишга топширилгани бу ҳудудда яшовчи аҳолига байрам тўғриси бўлди.

Бухоро туманидаги мазкур шифо маскани эндиликда 100 қатнов ўрнига эга. Уни тамоман янгидан қуриш учун ссуда асосида 2 млрд. 900 млн. сўм маблағ сарфланди. Тиббиёт муассасасининг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланди. Шу мақсад учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 103 млн. сўм миқдорига маблағ ажратилди. Бу эса поликлиниканинг тиббий асбоб-ускуналарга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини берди.

— Эндиликда бу масканда маҳалламиз аҳолиси саломатлигини сифатли кўриқдан ўтказиш, касалликларни эрта аниқлаш, даволаниш учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди меҳнат фахрийси А. Муҳаммадов. — Айниқса, биз, кексалар давлатимизнинг чекка қишлоқ жойларида ҳам мана шундай кўркем шифо масканлари барпо этилаётганидан хурсандимиз. Негаки, энди узоқ йўл босиб туман марказига боришга эҳтиёж йўқ. Бу ердаги тиббиёт ходимларининг касбий малакаси ҳам юқори. Очиғи, поликлиниканинг шундай замонавий биноси ва унда яратилган шарт-шароитларни кўриб, дардингни ҳам унутасан, киши.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).



Аксол МУҲАММАДОВ олтин сурат.

ТАЪЛИМ — САОДАТ КАЛИТИ

“Бешиқдан то қабргача илм изла” дейди доно халқимиз. Чунки илм порлоқ келажак учун замин яратади. Билимни кишилар Ватан истиқболини белгилайди, жамиятга бахтли ҳаёт сари йўл очади.

Фикр

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги қатъий белгилаб қўйилгани том маънода халқимиз учун саодат калитидир. Бу ҳар бир инсон яратилган имкониятдан фойдаланиб, саводини чиқариши, билим олиб, камолот пиллапоэларидан аста-секин одимлаши, ўз кўзлаган ният-мақсадларига эришиши мумкин дегани.

Дарҳақиқат, юртимизда бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш кафолатланган. Бунда умумий ўрта таълимни эгаллаш ҳамма учун мажбурий. Ушбу норманинг эътиборли жойи шундаки, бу орқали ҳар бир инсон болалигидан бепул умумий

ўрта таълим олади ва шу асосда кейинги ҳаёт йўлини тузади. Бесаводликнинг олдини олаётган ҳамда жамиятга билимли ёшларни етказишда асос бўлаётган қонунларимиз шу ўринда муҳим аҳамиятга молик.

Эътиборли жиҳати, Бош қомусимизда таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши ҳам белгиланган бўлиб, бугун мамлакатимизда ушбу йўналишга доир кўплаб ша-роитлар яратилмоқда. Ногиронлиги бор абитурientлар учун имтиёзлар берилаётгани, мактабга қатнаб таълим ололмайдиган ўқувчилар учун ўқитувчилар уйларга

бориб дарс бераётгани сўзимизнинг тасдиғидир. Биламизки, дунёнинг қатор мамлакатларида мактаблар бепул эмас. Албатта, таълим олиш пуллик бўлса, унга ҳар бир инсоннинг қурби етавермайди. Натижада жамиятнинг маълум бир қатлами “қора ишчи”га айланишга мажбур.

Кечагидек эсимда, мактаб давримизда ҳуқуқ фанидан дарсларни доим бепул таълим олишга оид модда билан бошлардик. Уни кўп тенгдошларим қатори биринчи мартаба ёд олар эканман, мағзини чақмагандим. Орадан йиллар ўтиб олий таълимга қабул қилинган, умуман олганда, катта ҳаётга қадам қўйган унинг нақадар муҳимлигини тушунадим.

Мактабда олган билимлар, устозларимнинг таълим-тарбияси ва сазй-ҳаракатим самараси ўлароқ бундан 5 йил муқаддам Ташкент давлат юридик университетига ўқишга қабул

қилиндим. Ўтган йили эса бакалавр босқичини тамомлаб, ушбу олийгоҳнинг магистратура талабасига айландим. Шу ўринда айни кунлардаги қувончли хабарини ҳам айтиб ўтмоқчиман, эндиликда мен университетнинг докторантура босқичини илмий изланувчисиман.

Қайд этиш жоизки, агар Конституциямизда таълим олиш ҳуқуқи қатъий мустаҳкамлаб қўйилмаганда ҳозир мен эришаётган ютуқлар ҳаёлий бир гап, ушлаган армон бўлиб қоларди. Жамиятимизда эса саводсизлар сони кескин ошиб кетарди. Ўзбекистонимиз ривожини ва унинг истиқболини учун ҳисса қўшадиган кадрларни тайёрлашда айнан мана шу норма асос бўлиб хизмат қилаётгани айни ҳақиқат.

Миржалол РАҲМОНАЛИЕВ, Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ УСТУВОР

Айнан мазкур қоидалар Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти учун ҳам асосий тамойил бўлиб, буюк алломаларимиз меросини илмий тадқиқ этиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат каби асл қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихи давомида ўлкамиз турли маданият, цивилизациялар ва динлар ўзаро туташган чорраҳа бўлиб келган. Бу заминда қадимдан буддавийлик, насронийлик, ислом ва бошқа динлар вакиллари бир-бирлари билан тотув яшаган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва дўстлик гоёлари халқимизнинг тафаккурига чуқур сингиб кетган қадриятлар ҳисобланади.

Конституциямизда ҳам диний бағрикенглик тамойили нафақат ҳуқуқий меъёр сифатида, балки кўп миллат-

ли ва кўп конфессияли халқимизнинг тафаккур тарзи, давлатнинг муҳим стратегик мақсади сифатида намоён бўлади. Унда жамиятда турли эътиқод вакилларига нисбатан ҳур-

“Конституциянинг тегишли моддалари билан юртимиздаги барча фуқаролар миллати, тили, дини, эътиқоди, жинси, irqи, ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенг экани (19-модда), ҳар бир кишига виждон эркинлиги кафолатлангани (35-модда), мамлакатда дин ва давлат ажратилгани (75-модда), тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос (61-модда) давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.”

мат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби масалалар қатъий белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда илм-фан тараққиёти давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, марказнинг таъ-

лим муассасалари учун ўқув-услубий дастурлар, қўланмалар ишлаб чиқишда ҳамда педагог кадрлар, диний ходимларнинг малакасини ошириб боришда кўмаклашиши шу

Бугунги кунда юртимизда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 16 та конфессия, 2 мингдан зиёд диний ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Айни вақтда ҳар бир диний ташкилот қонунлар доирасида эркин фаолият юритиши мумкин. Бундай ёндашув кўп конфессияли жамиятларда ижтимоий-маънавий барқарорлик ва тотувликни мустаҳкамлашда муҳим омили ҳисобланади. Мазкур ишларнинг амалий ифодасини мамлакатимизда турли миллат ва дин вакиллари ўзаро тинч-тотув, бағрикенглик ва бирдамлик муҳитида иноқ ҳаёт кечираётгани, фуқароларнинг ўз динларига эмин-эркин ибодат қилишлари учун яратилган шарт-шароитлар ва қулайликлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, кўп миллатли мамлакатимизнинг фаровонлигини таъминлаш мақсадида Конституция-мизда миллий, irqий ҳамда диний адоват туйғуларини тарқатишининг

қатъиян тақиқланиши (71-модда) каби фундаментал нормалар ўз аксини топган. Аждодларимиз илмий мероси асосида жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳа ва ташаббусларни ишлаб чиқиш орқали мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот марказлари бу вазифани амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Демак, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази нафақат алломаларимиз меросини тадқиқ этади, балки Конституцияда белгиланган виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, маънавий меросини асраш ва илм-фан тараққиёти каби қоидаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим илмий-маърифий муассаса сифатида хизмат қилади.

Кониқжон ШЕРМУҲАМЕДОВ, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори.

СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон тараққийнинг янги босқичида барча давлат органлари фаолиятида демократик тамойиллари жорий этиши, уларни янги жамиятнинг шиддатли ислохотлари талабларига мослаштириш, замонавий тенденциялар асосида иш самарадорлигини кўтаришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Муносабат

Хусусан, ҳокимиятнинг алоҳида мустақил, муҳим тармоғи бўлган суд органлари фаолиятини тубдан демократлаштириш, очиқ ва шаффоф тартиб-таомиллар асосида ривожлантириш мақсадида 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳақида суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва унда белгиланган янги вазифалар юқорида айтиб ўтганимиздек, суд ҳокимиятнинг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий принципларни таъминлашнинг мантиқий давоми бўлди.

Фармоннинг амалий аҳамияти шундаки, судлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш, судьялар мустақиллигини амалда таъминлаш жараёнида муайян ваколатларга эга ҳамда бири-биридан ўзаро мустақил бўлган судьялар ҳамжамияти органларининг ўрни ва ролини кенгайтиришнинг ҳуқуқий асослари такомиллашувига олиб келади.

Шу билан бирга, судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти билан боғлиқ халқаро ҳужжатларда белгиланган илгор демократик тамойилларнинг миллий қонунчиликка сингдирилшини таъминлайди. Ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларга эга, малакали судья кадрларни тайёрлаш, улар орасидан энг муносибларини танлаш ва судьялик лавозимларидаги тайинлашни очиқ, ошқор ва шаффоф механизмлари-

ни жорий этиш имкониятларини оширади. Умуман, судьялар ҳамжамияти органларининг фаолиятини тартибга соладиган миллий қонунчиликни янги, прогрессив нормалар билан бойитиб, иш динамикасини оширади.

Биз учун энг муҳими, Фармонда белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси профессор-ўқитувчилари жамоасига ҳам бир қатор масъулиятли вазифаларни юқлайди.

Хусусан, суд мустақиллигига оид илгор стандартларни жорий этиш ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тако-

тайёрлаш бўйича олти ойлик ўқув курсларида ўқитган тингловчилар (бўлажак судьялар)нинг, шунингдек, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш жараёнида уларнинг ахлоқий юксалиши, қалбани улғайиши, виждонан қолгани, судьянинг маънавий камолотини таъминловчи янги, замонавий ва таъсирчан ўқув кўрсаткичларини яратиб ва тизимли жорий этишни тақозо қилади.

“**Ҳужжатда суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш борасида янги вазифалар ҳам назарда тутилган. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарор, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарликни белгилловчи қонунчилик нормаларини суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш масалалари шулар жумласидан. Бу ҳам академиянинг суд соҳасида юксак малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш заруриятини вужудга келтиради. Бунинг учун Одил судлов академияси суд тизимида замонавий фикрлайдиган, ҳалол ва юксак салоҳиятли янги авлод судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгилаши шарт.**”

миллаштиришга қаратилган бўлимнинг тегишли бандида судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда “ҳалоллик”, “касбий лаёқатлилик” ва “судьялик одоби” қоидаларига риоя этиш талабларининг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш вазифаси қўйилган.

Бу академиянинг асосий мақсади, яъни бўлажак судьяларни

Бунинг учун академиядаги ҳар бир кафедра, ҳар бир ўқитувчи ўзининг кундалик фаолиятида янгича ёндашув, илмий ва педагогик изланишлар олиб бориши лозим. Айниқса, Касбий кўникмалар кафедраси ўқитувчилари юксак ахлоқий-иродатий ҳамда касбий фазилатларга эга, юқлатилган вазифалар ва амалга оширилётган ислохотларнинг сама-

рали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш самарадорлигини оширишга амалий таъсир кўрсатадиган методикаларни ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиши мақсадга мувофиқ.

Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада олдимизга қўйилган яна бир муҳим вазифа борки, бу бугунги кунда халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш билан изоҳланади. Шу маънода, ўз соҳасини яхши билмайдиган, пухта касб ва ҳаёт тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги, аввало, Одил судлов академияси фаолияти самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ, албатта.

Шундан келиб чиқиб, бугунги жамиятда судьяларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг янги методологиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадқиқотларга бўлган зарурият тобора кучайиб бораётганлигини инкор этиб бўлмайди. Табиийки, ушбу зарурият соҳада чуқур илмий-амалий ва назарий ёндашувлар асосида фундаментал тадқиқотлар олиб боришни, қолаверса, судьяларни тайёрлаш жараёнида ҳуқуқий, касбий билим ҳамда кўникмалари билан биргаликда, уларнинг маънавий камолотига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Ҳужжатда суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш борасида янги вазифалар ҳам назарда тутилган. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарор, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарликни белгилловчи қонунчилик нормаларини суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш масалалари

шулар жумласидан. Бу ҳам академиянинг суд соҳасида юксак малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш заруриятини вужудга келтиради. Бунинг учун Одил судлов академияси суд тизимида замонавий фикрлайдиган, ҳалол ва юксак салоҳиятли янги авлод судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгилаши шарт.

Академия тингловчиларига суднинг барча йўналиши — фуқаролик, жиноят, маъмурий ёки иқтисодий ишларни кўришда ҳақиқий ҳолатни аниқлаш ва амалдаги қонунлар асосида ҳуқуқий баҳо бериши, ўз қарорининг нафақат қонуний ва асосланганлигига, балки адолатлиликка ҳам эътиборли бўлиши зарур. Ана шундангина, жамоатчиликнинг суд органларига нисбатан ишончи ортиб, жамиятда суд чинакам адолат кўргонига айланади.

Умуман, мазкур Фармон ва унда белгиланган вазифалар академияда ўтказиладиган ўқув жараёнларини янги жамият қиётига юксак талаблар — замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, суд фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан тўла таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Пировард натижада судьяларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даражаси янги босқичга олиб чиқилиб, миллий суд тизимини халқаро стандартларга яқинлаштириш, малакали ва маънавий етук судьялар корпусининг шаклланишида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ректори.

УРГАНЧ — КЕЛАЖАКНИНГ «АҚЛИ» ШАҲРИ

Ҳар биримиз “ақли шаҳар” иборасини эшитганмиз. Бироқ унинг оддий шаҳардан фарқи ва нима учун сунъий интеллектга муҳтож экани ҳамон ҳаммага тушунарли эмас. Ҳўш, “ақли” шаҳар нима?

Тараққийт меҳвари

Бу — дунё мегаполисларида амалга оширилаётган, аҳоли манфаати учун инновацион ва технологик ечимларни жорий этувчи лойиҳа. Бундай шаҳарда турли жараёнлар инсон аралашувисиз, сунъий интеллект ёрдамида бошқарилади. Масалан, кўча чиқоқлари табиий ёруғлик етишмагандагина автоматик ёниб, ортиқча энергия сарфининг олдини олади. Ёки светофорда транспорт ҳаракати кам бўлса, яшил чиқок максус алгоритм асосида тезкор ёниши мумкин. Бундай ечимлар вақтни тежаш, фуқароларга қулайлик яратиш ва жараёнларни оптималлаштиришга хизмат қилади.

Нима учун “ақли” шаҳар сунъий интеллектга муҳтож? Сунъий интеллект нафақат технологик бизнес имкониятларини кенгайтиради, балки шаҳар аҳолиси учун қулай ва хавфсиз муҳит яратади. Бугун дунё аҳолисининг яримдан кўли шаҳарларда яшайди. 2050 йилга бориб, урбанизация даражаси 70 фоизга етиши кутилмоқда. Мамлакатимизда ҳам аҳолининг 51 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Бундай шароитда “ақли шаҳар” тизими инфратузилма, коммунал хизматлар, мурожаатлар билан ишлаш, бюрократия ва коррупцияга қарши курашишда энг самарали механизм ҳисобланади.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси рақамли дунё сари янги саҳифа очди, — дейди Урганч шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Эшоннов. — “Урганч — ақли шаҳар” тизими мазкур стратегия доирасида ишга туширилган йирик лойиҳа бўлиб, ҳокимлик фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришга хизмат қилмоқда. Тизимда айни дамда 16 та ахборот модули ишламоқда. Уларнинг 9 таси “Урганч — ақли шаҳар”, 2 таси “М-назорат” дастурига интеграцияланган. Шунингдек, тизим “Wialon” ва “Электрон ҳуқумат” каби 200 дан ортиқ ташқи платформалар билан боғланган. Эндиликда фуқароларнинг барча мурожаатлари — ёзма, оғзаки, фото ва видео шаклда ягона платформа орқали қабул қилинади. Сунъий интеллект уларни инсон аралашувисиз таҳлил этади, манзили ва муаммони аниқлаб, автоматик равишда тегишли ташкилотга йўналтиради. Натижада вақт тежалади, ортиқча қоғоз-

бозлик йўқолади ва шаффофлик ошади. “Шаҳар паспорти” модули бутун шаҳар инфратузилмасини рақамли ҳаритада акс эттириш имконини берди. Ҳар бир кўча, хонадон, аҳоли сони, демографик ҳолат, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар тўғрисидаги маълумотларни бир тўлма орқали кўриш мумкин. Тизимдаги “М-назорат” модули “маҳалла еттилик” фаолиятини онлайн назорат қилиш учун ишлаб чиқилган. Бу модуль “Face ID” ва “JPS” технологиялари асосида ишлайди. Ҳар бир ходимнинг ишга келиши-кеетиши, кун давомида қаерда фаолият юритгани, кечикиш ҳолатлари тизимда акс эттирилади.

— Сунъий интеллект ёрдамида ходимларнинг ишлаган соатлари асосида электрон табель ва КРП белгиланади, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюмчаси Урганч шаҳар бўлими раҳбари Санжар Якубов. — Ишга кечикканлар, иш жойида бўлмаганлар автоматик тарзда аниқланади. Раҳбарлар учун “SMS-хабарнома” тизими жорий қилинган. Натижада назорат жараёни инсон омилсиз, шаффоф ва тезкор шаклда амалга оширилмоқда.

Урганч шаҳридаги кўп қаватли уйлар ва ижтимоий объектлар иссиқлик билан таъминланиши эндиликда рақамли мониторинг остида. “Термо 24” тизими орқали қозонхоналардан чиқаётган иссиқлик ҳарорати онлайн кузатилиб, меъёридан четга чиқиш ҳолатларида масъулларга огоҳлантириш юборилади. Бу нафақат аҳолига қулайлик яратди, балки ёқилги тежамкорлигини уч баробар ошириш имконини берди. Шаҳар ичидаги автобус бекатлари, йўналишлар ва транспортлар ҳаракати ҳам тизимга киритилган. “JPS” курилмалари ёрдамида ҳар бир автобуснинг манзилга етиб келиш вақти, йўловчи оқими кузатилади. Шунингдек, чиқинди йиғиш шохобчалари маълумотлари ҳам тўлиқ рақамлаштирилди. Махсус техникалар “JPS” орқали кузатилиб, чиқиндиларни олиб кетиш жадвали тизим томонидан автоматик шакллантирилади. Натижада чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмоқда, ёниги сарфи камайди, меҳнат унумдорлиги ошди.

Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси фаолияти ҳам рақамлаштирилди. Эндиликда ҳар бир ишчига бириктирилган ҳудуд, ишлатилаётган техникалар ҳолати, яроқли ёки носоз ускуналар ҳақида маълумотлар



онлайн таҳлил қилинмоқда. Сунъий интеллект ҳатто шаҳар кўчаларидаги гулзорларга ўрнатилган намликни аниқловчи сенсорлар ёрдамида оптимал сугориш жадвалини шакллантириб беради. Бу тизим жорий этилган фақатгина ёнигидан 1,4 млрд. сўм, техникалардан 14,4 млрд. сўм тежашга эришилди. Йилгача жами 16 млрд. сўм иқтисодий самарадорлик — бу тизимнинг ҳақиқий натижасидир. “Ақли шаҳар” тизимининг яна бир ютуғи — видеоназорат функцияси. Урганч марказий деҳқон бозорига ўрнатилган 318 та видеокузатув камераси жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибининг сақлаш ва бозор нархларини барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда бундай видеоназорат тизими “Хавфсиз маҳалла” дастури асосида ҳар бир маҳалла ҳудудида жорий қилинмоқда. Натижада шаҳарда ҳуқуқбузарликлар сони камайиб, содир этилган жиноятларни эса тезкор фох қилишга эришиляпти. Мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ошоналарига ўрнатилган овозли камералар орқали ўқувчиларга тақдим этилаётган овқат сифати марказдан назорат қилинмоқда.

— Илгари бирор муаммо юзасидан турли ташкилотларга мурожаат қилиб овозро сарсон бўлардик, — дейди урганчлик меҳнат фахрийси Дурдилош Собирова. — “Ақли шаҳар” лойиҳаси ишга тушгач бундай сансалорликлар бутунлай барҳам топди. Барча жараёнлар рақамлашган, ҳаммаси қатъий назоратда. Олдин шаҳар ҳокимининг сайёр қабулларида мурожаатчилар кўпчилигидан кунбўйи навбат кутишга тўғри келарди. Энди барча муаммолар ситуацион марказда ўз ечимини топаётга-

ни сабабли сайёр қабулга мурожаат билан борувчи фуқаролар сони ҳам кескин камайди. “Урганч — ақли шаҳар” тизими нафақат мавжуд муаммоларни ҳал этади, балки уларни олдиндан аниқлаш ва прогнозлаш имконини беради. Сунъий интеллект орқали муаммоларни эрта аниқлаш, манзилли таҳлил қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш каби жараёнлар автоматлаштирилган. Бу эса ходимларнинг кунли иш вақтини ўртанча 2-3 соатга тежаб, уларни аҳоли билан бевосита ишлашга йўналтиради.

— Урганчга келиб “Ақли шаҳар” лойиҳасининг ишлаш тизимини чуқур ўргандик, — дейди Асака тумани ҳокими Насибулло Мўминов. — У жуда мукаммал ишланган, давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик ташкилотлари ва аҳоли учун фойдали, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини оладиган, муаммоларга тезкор ечим топадиган, бюрократияга барҳам берадиган лойиҳа бўлибди. Биз ҳам йил якунигача бундай тизимни ўз ҳудудимизда жорий қилиш бўйича чора-тадбирларимизни белгилаб олдик.

2025 йил якунигача қадар “Урганч — ақли шаҳар” тизимини 90 фоизга рақамлаштириш, инсон омилни эса минимал даражага тушириш режалаштирилган. Уч муҳим омил: рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва очиқлик — “ақли шаҳар” концепциясининг таянч устунлари га айланади. Шубҳасиз, бу тизим нафақат бошқарув самарадорлигини оширади, балки халқ ва ҳокимият ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлайди.

Одилбек ОДАМБОВ
«Халқ сўзи».

ДУНЁ ХАФТА ИЧИДА

ДАВЛАТЛАРНИНГ БМТДАН ҚАРЗДОРЛИГИ ОШМОҚДА

БМТга аъзо давлатларнинг ташкилот олдидаги қарзи салкам 1,6 млрд. долларга етди. Қарзларни қайтаришдаги сурункали кечикишлар эса ташкилотнинг самарали фаолият юритиш имкониятини издан чиқармоқда.

Маълумотларга кўра, БМТ 2024 йилни 760 млн. долларлик тўланмаган бадаллар билан якунлаган. Бу қарзларнинг катта қисми ҳануз қопланмаган. Шунингдек, 2025 йил учун тўланиши лозим бўлган 877 млн. доллар ҳам ташкилот ҳисобига ҳали тушмаган. Яъни 193 давлатдан 145 таси аъзолик бадалини тўлаган ҳолда. Шу тариқа умумий қарздорлик 1,586 млрд. долларга етган.

Эслатиб ўтамиз, БМТнинг 2026 йилги мунтазам бюджет 3,238 млрд. долларни ташкил этади. Бу 2025 йилдагига нисбатан 577 млн. доллар (15,1 фоизга) кам.

ҚИЗАМИҚ КАСАЛЛИГИ ТАРҚАЛИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

2024 йилда қизамиқдан қариб 95 минг киши вафот этган, уларни, асосан, 5 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги ҳисоботига кўра, глобал эмлаш чоралари 2000 — 2024 йиллар оралиғида қизамиқдан ўлимни 88 фоизга камайтирган. Вакциналар туфайли қариб 59 млн. инсоннинг ҳаёти сақлаб қолingan. Аммо ўлим ҳолатларидаги сезиларли камайишга қарамастан, касаллик тарқалишида давом этмоқда. Маълумотларга кўра, ўтган йили дунё бўйича 11 млн. қизамиқ билан касалланиш ҳолати қайд қилинган.

ЖССТ раҳбари Тедрос Гебрейесуснинг таъкидлашича, қизамиқ дунёдаги юқумли вируслардан бири. Шу боис эмлашни жараёнида йўл қўйиладиган лоқайдлик катта хавфни келтириб чиқаради. Тахлиллар шуни кўрсатадики, ўтган йили Шаркий Урта Ер денгизи минтақаси давлатлари ҳудудида касалланиш кўрсаткичи 2019 йилдагига нисбатан 86 фоиз, Европада 47 фоиз, Жануби-Шарқий Осиё давлатларида 42 фоизга ошган. Африкада эса аксинча — эмлаш қамрови исшонч туфайли касалланиш даражаси 40 фоиз, ўлимлар сони эса 50 фоиз камайган.

НИГЕРИЯДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Бунга мамлакатда оммавий одам ўғирлашлар сабаб бўлди. Президентнинг ахборот ва стратегия бўйича махсус маслаҳатчиси Байо Онануга “Х” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида маълум қилишича, мамлакат раҳбари Бола Аҳмад Тинубу қуролли куллар ва полиция сафига қўшимча кадрлар жалб қилишни буюрган.

Хабарларга кўра, полиция қўшимча 20 минг ходим ёллади, натижада уларнинг умумий сони 50 минг нафарга етди. Фармонга биноан, узоқ ҳудудлардаги етарли даражада қўриқланмайдиган мактаб-интернатлар масаласи қайта кўриб чиқилади бўлди. Масжид ва черковларга ибодат пайтида хавфсизлик хизматларидан ёрдам сўраш тавсия қилинган.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ Нигерияда бир нечта мактаб ва черковларга ҳужумлар содир бўлган эди.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ ЮМШАТИЛИШИ КЕРАК

“Reuters” нашри БМТнинг Ривожланиш дастури эълон қилган ҳисоботга таяниб хабар беришича, сунъий интеллект (СИ) бой ва камбағал, ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, малакавий ва бошқарув тизимлари бўйича фарқни сезиларли даражада ошириб юбориши мумкин.

Шу боис СИнинг салбий таъсирларини юмшатиш учун эҳтиёт билан чоралар кўриш жоиз. Хусусан, Женевада бўлиб ўтган брифингга БМТнинг Ривожланиш дастури Осиё — Тинч океани минтақавий бюроси бош иқтисодчиси Филип Шелленкс таъкидлаганидек, “СИ мамлакатлар ўртасида тенгсизлик кучайишининг янги даврини бошлаб беради”. Унинг қўшимча қилишича, агар камбағал давлатлар СИ инқилобидан орта қолса, охири-оқибат ҳатто ривожланган мамлакатлар ҳам зарар кўриши мумкин. “Агар мазкур тенгсизлик ўсишда давом этса, хавфсизлик масалалари ва бошқа салбий оқибатлар янада жиддий тус олади”, деди эксперт.

«ИШЛАШ, ИШЛАШ ВА ЯНА ИШЛАШ»

Япония Бош вазири Санаэ Такаитининг октябрь ойида ўз лавозимига киришишдан аввал айтган “Ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш” деган сўзлари мамлакатдаги энг машҳур иборалардан бирига айланади.

“The Guardian” нашрида хабар беришларича, сиёсатчининг сўзлари йигирмадан ортиқ бошқа ибораларни орта қолдириб, 2025 йилнинг энг машҳур ибораси сифатида эътироф этилган.

Эслатиб ўтамиз, голиб ибора Япониянинг “Замонавий жамият йилномаси” нашриёти тузган вақтинчалик рўйхатдан танлаб олинди. С. Такаити бу муқофотга сазовор бўлган туртинчи сиёсатчи бўлди.

Бош вазир ўз сўзларининг оммалашиб кетганига муносабат билдираган экан, унинг нотўғри талқин қилинганлиги таъкидлади. “Бу гапим билан одамларни ҳаддан ташқари кўп ишлашга ундамоқчи эмасдим. Иш вақтидан сўнг ишлашни ҳам оқламоқчи эмасман”, деди у. Санаэ шунчаки меҳнатсевар раҳбар бўлиш истаги ҳақида гапирганини таъкидлаган.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛГАНОВ
«Халқ сўзи» тайёрлади.

Тошкент шаҳри транспорт тизимини 2030 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ, метрополитен тармоғи узунлигини 103 километрга етказиш кўзда тутилган.

«ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН»

“Кулф очар калитни топиш осон, қалбни очар калитни топиш қийин”, дейдилар. Шу маънода, коррупция деган иллатнинг илдизи қалбда, онгда бўлгани учун унинг калитини маърифатдан излаш лозим.

Барчамиз ҳалолликни кучайтириш, адолатни мустаҳкамлаш ҳақида кўп гапирамиз. Бу — замон талаби, одамлар умиди. Шунинг учун Президентимиз давлат раҳбари сифатидаги

фаолиятининг илк давриданоқ ҳар бир инсонни — у хоҳ раҳбар, хоҳ оддий фуқаро бўлсин, “ҳалоллик вақтинчаси” билан эмлаш ташаббусини илгари суриб келмоқда. Бу йўлда оиладаги, таълим муассасаларидаги муҳитни яхшилаш, жамиятда адолат тамойилларини қарор топтириш бўйича қатор саъй-ҳаракатлар қилиняпти.

Ҳақиқатан ҳам, инсон онги ўзгармас экан, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаса, қанча қонун қабул қилмайлик, натижа бермайди.

гунча, сотишга ошиқади, қўшқўллаб кишан кийдиришга ошфуфта бўлади. Бу хавф эса коррупционер ҳаётида роҳат-фароғат ўрнини бексаранжом кунлар ва ҳадик-хавотирли тунлар эгаллашига олиб боради. Бу — ички жазо. У шу қадар муқаррарки, ҳеч ким қочиб қутула олмайди.

Доно халқимиз бежиз “Нон ўғирлаган бир кун қувонади, лек бир умр кийналади”, демайди. Мана шу нақл ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим, ҳар бир бола миёсига чуқур сингса — қонунга эҳтиёж қолмайди, адолат ўз-ўзидан устувор бўлиб боради.

Ўзликини ислоҳ этишга даъват
Ислохотлар қанчалик жадал кечмасин, одамлар давлатга ишонмаса, самарга эришиш қийин. Давлатга ишонч — бу нафақат сийёсий, балки маънавий қудрат. У давлатнинг салохиятини, кучини намоян қилади. Коррупциянинг жилволаниши — ана шу кучдан, қудратдан нишонда.

Президентимиз томонидан Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар, аввало, одамларнинг давлатга ишончини ошириш, эртанги кунга умидини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Жумладан, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, махсус ваколатли агентлик ташкил этилди. Хукумат фаолиятининг очик ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда масъулиятини ошириш, бюрократияни қайта-қайта янгилик билан қайта ташкил этиш, эртанги кунга умидини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг “Жамият таъини ягона куч бўлиб ҳаракат қилса, албатта, катта ижобий самарга эришамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тадбиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар — умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қарши керак”, деган сўзлари ҳар бир инсонни, аввало, ўзини ислоҳ қилишига қаратилган даъватдир.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор.

Шундагина жамиятимизда адолат барқарор бўлади, келажак насл ҳалол меҳнатга суянаган, тоза муҳитда шаклланган авлод бўлиб этишади. Ёшларимиз онгда инсоф ва адолат мустаҳкам бўлса, ҳеч қандай иллат уларни енга олмайди. Бу йўл — оғир, аммо шарафлидир.

Шовосил ЗИЁДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор.

сусан, жамиятда соғлом эътиқод ва пок ахлоқни тарғиб этишни, халқимизнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашни ўз олдига қатъий вазифа қилиб белгилаб олган.

Коррупцияга қарши курашда энг катта ёрдам — адолат ҳақидаги илмий, ахлоқий ва диний билимларни халқ онгига етказиш, ёшларда ҳалолликни энг олий қадриятлар даражасига кўтариш, бойлик ортиришининг ноқонуний йўллари мурасили муносабатни тағ-томири билан йўқотиш орқали амалга оширилишини тўла англаб, бу борадаги ишларга илмий тадқиқотлар, маърифий лойиҳалар, қўллаб-қувватлаш ёрдамида баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз.

Оғир, аммо шарафли йўл

Энг чуқур жаз — инсон қалбидининг қоронғи бурчагидир. Коррупция ана шу зулматда пайдо бўлади. Қонун уни тўхтатиши мумкин, лекин бу фақат вақтинчалик чора бўлади. Чунки “ўрганган кўнгил ўртанса, қўймаз”. Одамзод ёқимли нарсасига тез кўникади. Ишламай тишлаш, белни оғритмасдан бойлик орттириш майли кўнгилнинг энг қора тубига ўрнашиб олгандан кейин уни фақат жазо билан даф этиш мумкин. Чунки кўнгил қирланиб бўлган.

Шу боис бу иллатни тамомила йўқ қила оладиган куч маърифатдир. Фақат маърифатгина қалбга зиё олиб қириб, кўнгилдаги алдамчи хоҳ хавасни парчалашга қодир.

Бугун коррупцияга қарши курашиш — иқтисодий ё ҳуқуқий талаб эмас, балки маънавий эҳтиёж, миллий хавфсизлик шартини, ижтимоий ишонч масаласига айланган. Қонунга хилоф равишда топилган пуллар — шунчаки оддий жиноят ёки рўйхатлардаги рақамлар эмас, у — тарбия, одат, муҳит ва эътиқоднинг юзасига чиқиб қолган қора доғдир.

Шунинг учун коррупцияга қарши кураш — аввало, маърифат билан босқичма-босқич, изчил иш олиб боришни талаб қилади.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида: “Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмаганларча, Аллоҳ уларнинг ахлоқини ўзгартирмас”, деб марҳамат қилади. Яъни ўзгариш, аввало, ич-ичимиздан бошланади. Бугун Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларда коррупцияга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса, бу иш фақат давлатнинг кучи билан амалга ошмайди. Бу йўлда давлат, жамият, илм аҳли, ота-она, ўқитувчи, маҳалла-қўй ҳам — ҳамма бирдам бўлиб, жипс бўлиб ишлаши керак.

Шунинг учун коррупцияга қарши кураш — аввало, маърифат билан босқичма-босқич, изчил иш олиб боришни талаб қилади.

Шовосил ЗИЁДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор.



Эркин кураш: мардлик ва шижоат айёми

Пойтахтимиздаги “Олимпия шаҳарчаси”да эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча хулудидан ташриф буюрган спортчилар қатнашяпти.



Дастлабки кун эркалар ўртасида 5 та вазн тоифасида голиб ва совриндорлар аниқлаб олинди. Унда Асадбек Саидтўраев (-57 кг.), Санжарбек Рустамбеков (-65 кг.), Бегижон Қўлдошев (-74 кг.), Бобур Исломов (-86 кг.) ва Отабек Назирбоев (-97 кг.) вазн тоифаларида чемпионликни қўлга киритди. Беллашувлар қизгин давом этмоқда.

Вакилларимизнинг шахдам одимлари

Дубай шаҳрида ўтказилаётган бокс бўйича (IBA) жаҳон чемпионатининг навбатдаги кунда терма жамоамизнинг 3 нафар вакили муваффақиятли қатнашди.



Ушбу нуфузли мусобақада вазни 75 килограммгача бўлган боксчимиз Фазлиддин Эркинбоев илк жангини киргизистонлик Сиргак Абдижапар улулга қарши ўтказиб, 5:0 ҳисобида галаба қозонди. Ҳамюртимиз кейинги даврада арманстонлик Вахтанг Арутюнянга қарши рингга кўтарилди.

ЖЧнинг 60 килограммгача вазн тоифасида Абдумалик Ҳалоков ва эквадорлик Кевин Москуера ўртасида бўлиб ўтиши керак бўлган баҳс рақибнинг вазн меъёрларини бажара олгани сабаб ўтказилмади ва А. Ҳалоков голиб деб топилди. У кейинги боксчида Испания ёки Эсватини боксчиларидан бирига қарши рингга кўтарилди.

Вазни 54 килограммгача бўлган чарм ўрқул усталари орасида иштирок этаётган яна бир вакилимиз Асилбек Жалилов туркиялик Садаи Ахсалига қарши рингга кўтарилди ва рақибини 5:0 ҳисобида мағлуб этди.

«Самодан баланд» халқаро турнири — истеъдодлар майдони

Тошкент шаҳридаги Гимнастика марказида трамплиндан сакраш бўйича ўтказилган “Самодан баланд” турнири қизгин кечди.



Ёш спортчилар учун катта спорт байрамиди тўхфа этган мусобақада Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан 150 нафарга яқин энг сара атлетлар ўз маҳоратларини намойиш этди.

Турнирнинг икки кунлик мurosасиз баҳслари давомида томошабинлар истеъдодли трамплинчиларнинг бетакор чиқаришларига гувоҳ бўлди. Қизгин беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 3 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритди.

Яқунда голиб ҳамда совриндорлар медал, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

Нуктаи назар

Ички поклик — ташқи адолатнинг шартини

Очилини айтилик, коррупция ҳақида гапирганда, кўпчиликнинг кўз олдига катта мансабдорнинг бировдан пора олгани ёки бир ишни “тезлаштириб” бергани келади. Лекин аслида коррупциянинг илк кўриниши жуда безарардек туюладиган таниш-билишчилик, “тавсия қилиб қўйинг”, “ўзимизнинг одам, ёрдам қилиб юборинг” каби оддий юмушларда намоян бўлади. Бироқ шу каби ҳолатлар тараққиётга раҳна соладиган, ижтимоий барқарорликка зарар етказадиган, жамиятни ичидан емирадиган энг катта иллатдир.

Коррупция оми одамларда, ёш авлодда ҳаром-ҳаришга хавас тўғусини шакллантиради. Онги етарли даражада шаклланиб улгурмаган ўғил-қизлар пора олувчиларнинг тўқин-соқин турмушига хавас қилиб, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини бирор лавозимга эришиш ва шу орқали ўз орзу-истакларини рўёбга чиқаришга кўра бошлайди. Бу иллатнинг илдизи отишига сабаблардан бири ҳам шу — ёш авлод қалбида қинғир йўлга майл пайдо қилишидир.

Коррупция ижтимоий адоватни ҳам кучайтиради. Жамият аъзоларининг бир қисми ноҳақ тарзда бойликка эга бўлаверса, қолганлар ўз-ўзидан бунга гарас билан қарайди. Коррупционердан ёмонлик кўрмаганлар ҳам ундан нафратлана бошлайди.

Жамият аъзоларининг кўзи кўр, қулоғи қар ёки онги паст эмас. Одамлар ким қандай пул топаётганини кўриб, билиб туради. Ахир, ҳар не мансаб бўлмасин, ҳатто энг катта маош билан ҳам қисқа вақтда дангиллама иморат, қатор-қатор машина, дала-ҳовли, шохона зиёфату либослар, зебу зийнат орттириш мумкин эмаслиги аён-ку. Бу адолатсизлик шундай ҳолатга йўл қўйиб қўйган давлат тизимига, масъул мутасаддиларга нисбатан норозилик ҳиссини уйғотмай қолмайди. Шу тариқа жамиятда ишончсизлик, тажаниклик ва тушкунлик омикталанган кайфият вужудга кела бошлайди. Бу эса ижтимоий барқарорлик учун катта хавф.

Шу боис, аввало, турли раҳбарлар ўз манфаати йўлидаги жиноятлар жамият ҳаётини издан чиқариши мумкинлигини ҳеч қачон назардан қочирмаслиги, ичдан, қалбдан пок бўлиши керак.

Одатга айланаётган хавф

Автомобусда икки киши бемалол сўхбат куради:
— Боланг ўқишга қандай кирди?
— дейди бири.
— Фалон танишимиз бор эди, шу киши ёрдам қилди-да...

Бу гапни айтгучи ўзини айбдор ҳис этмайди, аксинча, бамайлихотир, сал керилиброқ сўзлайди. Шу каби ҳолатлар кундалик турмушимизда тез-тез учрайди. Таниш-билишларимиз, ён-веримиздаги одамлар боласини боғчага бериш учун навбат келавермаганда “орқа эшиқдан” масалани ҳал этганини, туман ҳокимлигига ари-

“Коррупцияга қарши кураш — бу фақат айбдорни топиб, жазолаш эмас. Бу, аввало, онгли тарбиялаш, келажак авлодга тоза муҳит қолдириш масаласи бўлгани билан муҳим.”

за топширганда “кичик хизмат” қилган одамга алоҳида илтифот кўрсатганини айтса, парвойимизга келмайди.

Баъзи ёшлар “Отам шу районнинг коррупцияси бўлади!” қабилда мактанчоқлик қилганини ҳам эшитамиз. Жилла курси, коррупцияга қарши кураш идорасининг раҳбари деб тўғри айтса, қани эди. Йўқ, айнан шу тарзда айтса, ваҳималироқ ва таъсири кучли чиқади. Афсуски, у моҳиятан “районнинг коррупцияси” деб тўғри айтган ҳам бўлади.

Бундай воқеликларга кўпчилик гувоҳ бўлган, эшитган. Ачинарлиси, уларнинг ҳаммаси “оддий гап” сифатида қабул қилинганида. Лекин ана шу “оддий гап”лар йиллар давомида юз минглаб адолатсизликлар занжирини мустаҳкамлаб, адолатни заифлаштирди, қонунни кейинги ўринга туширди, ҳалол кишини жазолаб, ноўрин йўлни “меъёр”га айлантириб келди. Маърифатдан узоқлашганимиз, фойдали ва зарарли нарсани фарқлай олмай қолганимиз учун шундай бўлди.

Ният бузилса, амал бузилади

Коррупцияга қарши кураш — бу фақат айбдорни топиб, жазолаш эмас. Бу, аввало, онгли тарбиялаш, келажак авлодга тоза муҳит қолдириш масаласи бўлгани билан муҳим.

Бола яқин муҳитда ўсиб, ўз кучи билан талаба бўла олса, у келажакда ҳам ҳалол яшашни ҳаёт меъ-

ёри деб билади. Хизматдаги одам лавозимни фақат имконият эмас, масъулият деб билса, уни суиистеъмолик қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Биз кўпинча коррупцияни минбарга чиқадиганлар, президиумда ўтирадиганлар, “катта тўралар” орасидан излаймиз. Лекин ҳар бир жамиятнинг ички кўтби бор: кўринадиган — қонун, тизим, расмий тартиб; кўринмас — одат, муҳит, ният ва тарбия.

Аслида, айнан шу ботинийси зоҳирийсидан кучли. Ният издан чиқса, қонун ҳар қанча қаттиқ бўлмасин, барибир ё ёқичади, ё четда қолади.

Коррупциянинг энг хавфли жойи

— унинг “оддийлашиб” бориши, ишламоқ ё дам олмоқ каби кундалик ҳаётнинг ажралмас белгиларидан бирига айлана бошлашидир. Одамлар адолат бузилишини одадлик хол сифатида қабул қила бошласа, жамиятда тубаниликка кенг йўл очилади.

Динимизда ният энг муҳим омил сифатида таъкидланган. Имом Бухорий ривоят қилган машҳур ҳадисда айтилади: “Амаллар ниятга қўрайдир”. Нияти бузилган одамнинг амалида яқинлик бўлмайди. Маърифат инсон онгига сингмагунча, коррупция билан фақат қонун доирасида курашиш — ёғдуни шам билан қидиришга ўхшайди.

«Нон ўғирлаган бир кун қувонади, лек бир умр кийналади»

Инсон ҳалолликдан узоқлашганда, ичдан қийнала бошлайди, фарзандлари, яқинлари олдида юзи шувуvt бўлишидан, қинғир ишларининг қийини чиқишидан кўрқиб яшайди. Унга байрамлар, қувончлар, шодликлар татимай қолади.

Негакки, ҳаромдан орттирилган бойлик одамларнинг розилиги эмас, аксинча, норозилиги, баъзан қарғиши негизига қурилади. Улар берганини куч билан қайтариб олишга кўзи етмаса ҳам, жуда бўлмаса, йўналиш фаъо билан ўша “валлама”га зиён-заха етказиш пайида бўлади. Имон турғилди де-

SANOAT QURILISH BANK

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА БАРЧА БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ ЗАРУР

9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунини муносабати билан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан “Очиқ эшиклар кунини” ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Марказий банк ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда бошқа тегишли идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

«Очиқ эшиклар кунини»

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2024 йил 5 мартдаги Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида давлат органларида ҳисобдорлик ва очиқликни ошириш, тизимли профилактика чораларини кенгайтириш юзасидан изчил ишлар олиб боришмоқда. “Ўзсаноатқурилишбанк”

томонидан ҳам коррупциянинг олдини олиш, ходимлар ўртасида корпоратив маданиятни шакллантириш ҳамда фаолиятнинг ҳар бир босқичида шаффоқликни таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбирда банкнинг ISO 37001:2016 халқаро стандарт талабларига мувофиқ коррупцияга қарши менежмент тизими бўйича қайта сертификациядан муваффақиятли

ўтгани айтилди. Мазкур тизим хатарлар ҳавфини қайта кўриб, манфаатдор томонлар учун ишончли ва очиқ муҳитни таъминлаш ҳамда банкнинг коррупциянинг салбий таъсирларидан ҳимоялашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар иж-

росини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида назарда тутилган масалалар доирасида банк раҳбарияти ва масъул ходимлари малакасини оширишга алоҳида эътибор қўрилди. Жумладан, 100 нафар раҳбар ходим “Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш” мавзусидаги 24 соатлик курсларда, 28 нафар мутахассис эса коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини самарали ташкил этиш бўйича 36 соатлик ўқув дастурларида қатнашди. Қўшимча равишда, 37 нафар ходим ISO 37001:2016 стандарти сертификатига эга бўлди. Жорий йил давомида Бош банк ва тармоқ бўлимлари-

дан 2700 дан зиёд ходимлар коррупцияга қарши босқарув тизими, зиммадаги вазифаларни бажаришда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ва уларни баҳолаш усуллари бўйича ўқитилди. Шу билан бирга, 1806 нафар ходим ўртасида билим даражасини баҳолаш мақсадида тест синовлари ўтказилди. Банкнинг коррупцияга қарши курашиш хизмати томонидан 2025 йил январь — октябрь ойлари давомида 14 та хизмат тегишуруви ва 43 та мониторинг тадбири амалга оширилди. Текширувлар натижасида ходимлар хатти-ҳаракатлари ортидан банк манфаатларига

3,5 млрд. сўм, мижозларга 42,2 млн. сўм зарар етказилган ҳолатлар аниқланиб, 8 та материал ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Тадбир давомида иштирокчилар банк тизимида шубҳали ҳолатлар ва мурожаатлар учун мўлжалланган махсус алоқа каналлари ҳамда мурожаатларни қабул қилиш ва қўриб чиқиш механизми билан таништирилди. Шунингдек, коррупцияга қарши сийёсат, одо-ахлоқ кодекси ва манфаатлар тўқнашувини босқарув тартибининг амалиётга самарали жорий этилиши банкнинг “яқини” тоифадаги рейтингини сақлаб туришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Тадбир якунида коррупция профилактикаси, ҳуқуқий маданият ва хабардорликни ошириш бўйича тарғибот ишларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Хизматлар лицензияланган.

Сеул шаҳрида Ўзбекистон — Жанубий Корея олий таълим муассасалари ректорларининг II форуми ташкил этилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.05 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6